

Султанов Самандар Маҳмуд ўғли
Абу Райҳон Беруний номидаги
Урганч давлат университети
“Тарих” кафедраси ўқитувчиси
samandar194seq@gmail.com

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОДИЙСИДА БРОНЗА ДАВРИ ТУРАР-ЖОЙЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Қуйи Амударё ва Қуйи Зарафшон худудида бронза даври манзилгоҳларида археологик изланишлар натижалари тахлил қилинган.

Калит сўзлар: Виноградов А.В, Акулов В.В, Андрианов Б.В, Фуломов Я.Ф. Исламов У.И, Асқаров А, Холматов Н.У, Итина М.А., Хоразм, Қуйи Зарафшон, неолит, энеолит бронза, Қизилқум, Султон Увайс, Кўкча, Анҗа-5, Қават-3, Зомонбобо.

РЕЗУЛЬТАТЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ПОСЕЛЕНИИ ЭПОХИ БРОНЗОВОГО ВЕКА В ДОЛИНЕ ЗАРАФШАНА, НИЖНИЙ ХОРЕЗМСКИЙ ОАЗИС

Аннотация. В статье анализирован результаты археологические исследования бронзового периода на территории Низовья Амударьи и Нижнего Зеравшана.

Ключевые слова: Виноградов А.В, Акулов В.В, Андрианов Б.В, Гулямов Я.Г, Исламов У.И, Аскарлов А, Холматов Н.У. Итина М.А., Хорезм, Низовья Зарафшан, неолит, Итина М.А, бронза, Кызылқум, Султон Увайс, Кукча, Анҗа-5, Кават-3, Заманбаба.

RESULTS OF ARCHAEOLOGICAL RESEARCH AT BRONZE AGE SETTLEMENT SITE IN THE ZARAFSHAN VALLEY, LOWER KHOREZM OASIS

Annotation. The article analyzes the results of archaeological research at Bronze Age settlements in the Lower Amu Darya and Lower Zarafshan regions.

Keywords: Vinogradov A.V., Akulov V.V., Andrianov B.V., Gulomov Ya.G. Islamov U.I., Askarov A., Kholmatorov N.U., Itina M.A., Khorezm, Lower Zarafshan, Neolithic, Eneolithic bronze, Kyzylkum, Sultan Uvays, Kukcha, Angka-5, Kavat-3, Zomonbabo.

Кириш. Хоразм текислиги ва Қуйи Зарафшон водийсида неолит даври аҳоли кундалик амалий фаолиятлари энеолит даврида давом этган. Хоразм археология ва этнография экспедицияси ходимлари ҳамда Маҳондарё археология гуруҳи ходимларининг Зарафшон дарёси қуйи хавзасида неолит даври турар-жойларида истиқомат қилган уруғ-жамоалари авлодлари энеолит даврида ота-боболари хўжалик анъаналарини давом эттирдилар, уларнинг хўжалик соҳасида эришган натижалари бронза жамиятини қамраб олган тарихий жараёнларга асос бўлган.

Археологик нашрларда қайд қилинган нашрларда қайд қилинган тарихий маълумотларга кўра, икки худудда кечган жараёнларда ўхшашлик кузатилади.

III минг йиллик иккинчи ярми II минг йилликлар Қуйи Амударё ва Зарафшон дарёси қуйи хавзаси бронза даври жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва этник жараёнларда юз берган ўзгаришлари билан муҳим давр ҳисобланади. XX аср 30 йиллар ўрталаридан Хоразм экспедициясининг Қуйи Амударё хавзасида, 50 йилларидан Маҳондарё археология гуруҳи ходимларининг Қуйи Зарафшон водийсида кенг қамровли тарзда олиб борган археологик изланишлар натижалари энеолит даври аҳолисининг хўжалик соҳасида эришган натижалари асосида жамиятнинг нотекис ривожланиши бронза даврида аҳоли моддий маданиятида ўз маъносини топган. Икки худудда ўрнашган

40 аҳолининг теварак-атрофдаги табиий ресурслардан унумли фойдаланиши баробарида тарихий давр, унинг босқичларида босиб ўтган тарихий йўлида Амударё ва Зарафшон дарёларининг аҳамияти беқиёс.

Мазкур мақолада икки худудда бронза даври жамияти ривожланиш жараёнини ёритиш назарга олинган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили [Literature review].

Геологик жараёнлар натижаларига кўра Хоразм воҳаси ва Қуйи Зарафшон водийси Қизилқумда жойлашиб умумгеографик хусусиятни намоён қилган.

Қизилқум географик ҳолатини акс эттирган Султон Увайс тоғи баландлиги (4x5 м), Белтов, Кўкча тоғ тизмалари ҳосил қилган, унинг гидрографиясини Оқчадарё ирмоғи, тасвир қилган.

1.Мазкур худуд бундан 22 минг йил бутун Қизилқум чегарасини неоген даврдан бошланган Амударё ва Сирдарё белгилаб берган. Ушбу Қизилқум географик манзарасини Амударё Оқчадарё ирмоғи, ҳамда Зарафшон дарёси белгилаб берган. [1. 1968-С.9. 2.1981-С 64-77].

Тарихий маълумотларга кўра, Хоразм воҳаси текислиги 4,5 миллион гектар бўлган, шундан 2 миллион гектар қулай бўлган, бу худуд Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошхавуз вилояти жойлашган. [3. 1957-С.42]. Б.В.Андрианов Хоразм воҳаси қадимги давр суғорилиш тарихини ўрганиш жараёнида биз яшаётган сернам ва серунум текислигини сўл ва ўнг соҳил худудига ажратган. Амударё ҳаракати натижасида Оқчадарё ирмоғи ҳаракат қилган Шураҳон ва Султон Увайс оралиғи 150 минг гектар бўлган. [4. 1969-С.98]. Қизилқум географик манзарасини (ҳозирги Бухоро вилояти худуди) Зарафшон дарёси унинг Дарёсой, Махондарё, Гўжайли, Эчкиликсой, Оёқгитма ирмоқлари ташкил қилган [5.1966-С.266]. Геоморфологик тадқиқотлар натижаларига кўра Қуйи Зарафшон водийси 34 минг кв.км бўлиб, экин-текинликка қулай бўлган. [6. 2007-С 15] Ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб Оқчадарё ҳавзаси жанубий худудиди ва Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида Махондарё археологик гуруҳи Қизилқумда бронза даврига оид манзилгоҳларда археологик изланишларни олиб бориб, уларни натижалари нашрларда қайд қилинган.

Мисол тариқасида, М.А.Итина Жанубий Оқчадарё худудиди Ангқа-5, Қават-3, Кукча 15,16,21,22, Жонбас 33,34 манзилгоҳларда қазиш ишларини олиб бориб, унинг натижаларини илмий жамиятчилик эътиборига хавола қилинган (турар-жойлар ёғоч устунли ярим ертўла, кулолчилик ашёлари қўлда тайёрланган), хужалиги уй-чорвачилиги “Қайр” деҳқончилиги. [7. 1977-С 18-19].

Зарафшон дарёси қуйи хавзасида эса, бронза даври сўнгги босқичига оид Зомонбобо кўли соҳили худудиди жойлашган ёғоч устунли ер сатҳига қурилган чайлада ўрнашган аҳоли хўжалик маданияти илмий адабиётларда ўрин олган. [8. 1962-С.59-65. 9. 1973-С 15-21].

Тадқиқот методологияси: [Research Methodology].

Объективлик, тарихий-хронологик изчиллик, назарий-қиёсий таҳлил, мунозара, умумлаштириш, якуний хулоса, археология, география, этнография фанлари натижаларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар : [Analysis and results].

Ўтган асрнинг 50-70 йилларида Оқчадарё хавзасида Хоразм экспедицияси ва Қуйи Зарафшонда Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Тарих ва археология институти археология гуруҳининг Қуйи Амударё хавзасида аҳоли турар-жойларида олиб борган археологик изланишлар натижалари илмий таҳлиliga асосланган нашрларда қайд қилинган.

Тарихий маълумотлар назарий-қиёсий таҳлил қилинади. Нашрда қайд қилинган тарихий маълумотларга кўра, Оқчадарё хавзасида Жонбас-4 манзилгоҳида ўрнашган уруғ жамоаларини энеолит даврида олиб борган хўжалиги, этник жараёнлар тўғрисида фикр-мулоҳазалари кузатилмади. Тарихий маълумотларни назарий-қиёсий таҳлил қилиш

натижасида Жонбас-4 манзилгоҳида истиқомат қилган уруғ жамоалари сон миқдори ошгани муносабати билан Узбой, Сарикамишбўйи, Туямуйин, Сирдарё қуйи хавзасини ўзлаштириб, энеолит даврида аجدодлари амалий тажрибасини давом эттирганлар.

Энеолит даври уруғ жамоалари аجدодлари ўрнашган худудларда табиий ресурсларда, Султон Увайс тоғ ашёсини Бурли устахонасида ишлов бериб, тош қуролларини модернизация қилиб, кундалик турмуш тарзини олиб борган, бу жараён тезлашишда секин кетган. Бундай тарихий жараён Қуйи Зарафшон худудида давом этган. Қуйи Зарафшон водийси неолит даври манзилгоҳларида ўрнашган уруғ жамоалари неолит даврида жамиятни ривожлантиришда бунёдкорлик харақатлари кўзга ташланмайди. Оқчадарё хавзасида Ангқа-5, Қават-3, Жонбас, Кукча манзилгоҳлари бронза даври аҳоли манфаатларини ҳимоя қилган деган таҳлилни бериш мумкин.

Хулоса ва таклифлар : [(Conclusion /Recommendations)].

Хулоса қуйидагича изоҳ қилинди:

-Хоразм воҳаси Оқчадарё хавзаси (Турткул, Эллиққала, Беруний туманлари худуди), Қуйи Зарафшон водийси (Бухоро вилоят), ер ости тебранишлари натижасида таркиб топган текислик одамзотнинг сўнги тош, мезолит, неолит, энеолит ва бронза жамиятини тадрижий ривожланишини акс эттирган.

-Икки минтақанинг географик муҳити умум кўриниш, лекин гидрографиясида фарқланиш сезилади.

-Икки худуднинг бронза даври жамиятида кечган жараёнлар нотекис ривожланиши давом этганлиги ойдинлаштирилди;

-Икки худудда бир-бирини хўжалик йўналишида бир-бирини такрор қилган Тозабоғёб, Сувёрган ва Зомонбобо маданиятлари ўрганилди, адабиётлар саҳифасидан жой олди.

Таклифлар қуйидагича қайд қилинди:

1.-Амударё харақати натижасида Хоразм текислиги ўнг ва сўл соҳил худудига бўлинди, бу жараён Қуйи Зарафшон худудида қандай кечганлигини изоҳлаш;

2.-Амударё Зарафшон дарёлари бронза даври аҳолиси тақдирида қандай роль ўйнаган;

3.-Бронза даврида аҳолининг жойлашиши икки худудда масаласини ўрганиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма-М:Наука 1968.
- 2.Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // Тр ХАЭЭ-М: Наука 1981. Т. X.Ш.
- 3.Акулов В.В. Некоторые данные о дельте Амударьи-Ташкент, ВГО Узбекск. Фил. 1957. Т. Ш.
- 4.Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья- М:Наука, 1969.
- 5.Гулямов Я.Г, Исламов У.И, Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в Низовьях Зарафшана-Ташкент, Фан, 1966.
- 6.Холматов Н.У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана-Ташкент, Фан, 2007.
- 7.Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Труды ХАЭЭ-М:Наука, 1977 Т.Х.
- 8.Аскарлов А. Культура Заман-Баба в Низовьях Зеравшана-Ташкент, Фан, 1962. № 1.
- 9.Аскарлов А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавхалар-Ташкент. Фан, 1973.